

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йўналишлари учун.

МАКТАБЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА
ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ

Қўқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.
- Умумий педагогика кафедраси уқитувчи.

МАКТАБЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ

Р Е Ж А

1. Мактабларда таълим тарбия ишларини ташкил килиш
2. Мактабларни укув ва техникавий асосини мутсаҳкамлаш

Мактабларда таълим тарбия ишларини ташкил килиш

Таълим самарадорлиги-укитувчи меҳнатининг асосий мезони. У аниқ мақсад ва пухта режа натижасида юзага чиқади.

Педагогика тарихидан маълумки, таълим ҳеч қачон тарбиядан ажратиб текширилмаган.

Хозирги кунда ҳам таълим тарбия жараёни оммавий тусда олиб борилди. Бунда таълим жараёни уқитувчилар томонидан билим, иқтидор, қуникмаларини шакллантиришга қаратилган. Тарбия эса одам тарбияланганлигининг мезони сифатида шахсий хислатларини шакллантириш билан қаратилади.

Масалан: айрим мутахассислар билиш даражаси билан юқори туради, лекин тарбияланганлик маданияти шаклланмаган бўлади. Шу сабабли ана шу қаби муаммолар бугун бартараф этилади. Бугунги кундаги тараккиёт мамлакатимизда таркиб топган таълим тизимини ҳам ислох қилиш, уни юртимиздаги ҳал этилаётган ривожланиш масалалари томон буриш, таълим тизимининг келажакдаги тараккиёт йулини белгилаб олиш вазифасини илгари сурмокда. Шу тариқа "Таълим тугрисидаги" янги қонун қабул қилинди.

Таълимнинг ташкил этишининг таълим жараёнида уқитувчи ва уқувчиларнинг маълум бир белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятини белгилайди. Таълимнинг ташкилий шакллари уқитувчи ва уқувчининг ҳамжихатликдаги фаолиятини аниқлаб беради, оммавий таълим ва алоҳида ҳолдаги таълимнинг нисбатларини белгилайди.

Таълимнинг ташкилий шаклда дарс давомида уқув машғулотлари уқитувчининг раҳбарлигида, бир хил ёшдаги ва маълум муддат мобайнидаги тайёргарлик даражаси ҳамда урнатилган жадвалга қура доимий бўлган уқувчиларнинг гуруҳи билан машғулотлар олиб борилади. Дарс давомида уқитувчи томонидан қатта миқдордаги уқувчиларни бир вақтда уқитиш муқинлиги имкониятлари тугилади.

Таълим тугрисидаги қонун қабул қилинган яъни таълимнинг янги модели ишга тушган, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезланишди. Ҳар қандай одам ҳам усмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиш керак, мазкур таълим орқали аввало ана шу вазиятнинг олди олинади. Қолаверса, ёшларни муайян бир иқтисосга эга қилиб ҳаётга йуланма берилади. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навнихол инсон ҳаётидан муносиб ўрини топса,

турмушидан, такдиридан, ватанидан рози булиб яшайди умир буйи бунёдкорлик фаолияти билан машгул булади.

Бу гоят мухим ижтимоий - сиёсий аҳамиятга эга булган масаладир.

Маълумки, халқ таълимининг асосий бугинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага алохида диққат - эътибор қаратиш барқарор. Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошлангич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузилган.

Хозирги кундаги мактабларда таълим тарбия ишларини ташкил қилишда:

- таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатдан ислох қилиш учун уқитувчиларни қайта тайёрлаш
- уқувчи ёшларни Ватанга садоқат юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждондан муносабатда булиш руҳида тарбиялаш;
- таълим муассаларини биринчи навбатда умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тулик таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштиришнинг долзарб масалалар ҳисобланади.

Мактабларни уқув ва техникавий асосини мустаҳкамлаш

Таълимнинг техник воситалари дарс самарадорлигини оширишнинг асосий омили булиб хизмат қилади. Информатикани, ҳисоблаш техникасини ҳар бир маълумотли киши, шунингдек, ҳар бир мактаб уқувчиси билиш керак.

Компьютер маориф соҳасида уқитиш воситаси:

- Педагогик бошқаришни тизими;
- Педагогик фаолиятининг илмий текширилиши тизими;

Йўналиши бўйича қўлланилади.

Уқув тарбия жараёнига компьютерлаштиришнинг чуқур таъсирини компьютерни кичик синфлардан уқитиш воситаси сифатида фойдаланилишида эришилади. Куйин синфлардан компьютерни қўлланишининг асосий максади дунёқарашини, умуммаданиятли характерга эга булмоғи лозим. У боланинг шахсини ва фикрланишини ривожлантиришига қаратилиши керак. Хусусан, бошлангич синф уқитувчиларида компьютер маданиятининг элементлари, яъни информатиканинг энг бошлангич тушунчалари, бўлимлари шакллантирилади. Компьютер бошлангич синф уқитувчиларини муסיкий ва эстетик таълим ва тарбиялашга ёрдам беради.

Бошлангич синфларда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари предметини алохида фан сифатида урганилмаса, бу туркумдаги дарсларни факультатив ва тугарак машгулотлари шаклида уюштириш мумкин. Мактаблардаги замонавий техникалардан яна бири микрокалькулятор ҳисобланади. Микрокалькуляторни ишлатишдан олдин уқувчи онгли равишда ҳар қандай масалаларни микрокалькуляторсиз ҳам ишлашни билиш керак. Бу микрокалькуляторлар ҳар бир партага жойлашган булиб, уқувчилар

масала мисолларни тезрок ишлаб, вақтдан ютишади ва бу орқали қуп билимга эга буладилар. Хозирги давримизда билимли ёшлар шу шароитлар натижасида жуда қупайиб бормокда. Президентимиз ҳам билимлийларни севади ва ҳурмат қилади.

Уқитувчи дарсни ташкил қилар экан, уқувчилар уқув фаолиятини активлаштирувчи ижодий фикрлаш қуникмаларини шакллантиришнинг муқобил режаларини амалга оширишни қузда тутмоғи лозим. Дарсга бир мунча тарбиявий талабалар қуйилади. Хар бир дарс маълум даражада гоёвий йуналган аниқ тарбиявий вазифаларни бажариши, олинган илмий билимлар асосида дунё қарашни, юқори ахлоқий фазилатларни, эстетик дидни шакллантириб таълимни хат билан мустиқил ахлоқларни таъминлаши зарур. Уқувчиларда билимга қизиқишини, билимларни мустиқил эгаллаш, қуникмаларни қарор тобтириши, ижодий ташаббусқорликни қулаб-қуватлаш, уларнинг тасаввурларини қуқурлиғи, ривожланиш даражасини ҳисобга олиш ҳам дарсга қуйиладиган талаблардан ҳисобланади.

Дарсни ташкил этишда турли туман воситалардан, уқув-техник қомпьютер, стационар ва динамик қурғазмали қуроллардан фойдаланиши қузда тутилади.

Дарсинг тарқибий тузилишини урганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланиладиган таълимнинг усулари ва метотларига уқувчиларнинг тайёрланиши ҳамда ривожланиши даражасига, уқув жараёнида дарсинг урнига боғлиқ булади.

Дарслар жуда ҳам турли-тумантарқибий тузилишларга эга бўлиб, дарсларни бир марта доимий равишда мавжуд буладиган қуриниши тарзда ривожлантиришни ва узғартирмайдиган қотиб қолган намуна асосида утқазавериш мумкин эмас. Хар бир дарс бошқа дарслардан хатто улар битта фан, битта мавзу юзасидан тенг, ёнма-ён синфларда утқазилганда, ҳам узига хос жихатларига қура фарқ қилиши қерак. Замонавий дарслар учун узлаштириш, қисмларга ажратиш тақрорлаш ва мустихамлаш, янги уқув материални эгаллаш ҳамда уни амалий жихатдан қуллаш қилиш қаб тарқибий қисмларнинг узаро боғлиқлиқлари характерлидир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Таълим самарадорлиғи, замонавий дарс, техника воситалари ҳисоблаш техникаси, информатика таълим тугрисидағи қонун, микроқальқулятор.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ :

1. Мактабларни техника билан жихозлаш таълим жараёнига қандай таъсир қилади.
2. Хозирги қунда техника жараёнида қандай узғаришлар содир бўлмокда.
3. Мактабларда таълим-тарбия ишларини ташкил этишдағи долзарб муаммолар.
4. "Таълим тугрисидағи қонун" дарс жараёнида қандай таъсир қурсатади.
5. Мактабларни уқув моддий техникавий асосини мустихамлашда рахбарнинг урни.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиева. Педагогика курси. Т. 1970 й.
2. "Педагогика" С.П.Баранова, Т. Укитувчи 1990 й.
3. Бошлангич таълим 1993 йил 5-6 сони
4. "Бошлангич таълим" 1996 йил 3 сони
5. Халк таълими 1995 йил 5 сон
6. И.А.Каримов Баркамол авлод орзуси. Тошкент 1999 йил